

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**


**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2019 йил  
ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

**Термиз – 2019**

# SURXONDARYO VILOYATI



## СЎЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва худудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2019 йил январь-июн ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2019 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисбот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайтаишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, ҳалқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи кўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга соликлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий мақроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР</b>	<b>7</b>
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8–10</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	8-9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби	10
<b>II. САНОАТ</b>	<b>11–21</b>
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	11
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	12-21
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>22–32</b>
Ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар ва хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	22-24
Ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари	25–26
Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари	27-32
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>33–48</b>
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	33
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	34-41
Асосий капиталга хорижий инвестициялар	42-43
Турап жойлар ва ижтимоий обьектларни ишга тушириш	44-45
Қурилиш ишлари	46-48
<b>V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ</b>	<b>49–63</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар	49-54
Ҳудудлар кесимида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар	55-56
Муддати ўтган кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар	57-63
<b>VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>64–79</b>
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микро фирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	64-72
Кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	73-77
Иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши	78-79
<b>VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ</b>	<b>80–95</b>
Корхона ва ташкилотларнинг сони вилоят микёсида	80–82

Номи	бет.
Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар	83-84
Янги ташкил этилган юридик шахслар	85-87
Тижорат корхоналари	88
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	89-93
Оилавий корхоналар	94-95
<b>VIII. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>96-103</b>
Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар	96
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	97-100
Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	101-103
<b>IX. ТРАНСПОРТ</b>	<b>104-106</b>
Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар	104
Юк ва йўловчи ташиш ҳамда айланмаси	105-106
<b>X. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ</b>	<b>107-115</b>
Ҳудудлар кесимида чакана савдо айланмаси	107-111
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси	112
Улгуржи савдо товар айланмаси	113-115
<b>XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР</b>	<b>116-122</b>
Вилоятнинг МДҲ ва бошка давлатлар кесимида ташқи савдо айланмаси	116-122
<b>XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ</b>	<b>123-131</b>
Вилоятнинг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони	123-124
Аҳолининг табиий ҳаракати	125-127
Никоҳлар ва ажралишлар	128-129
Аҳоли миграцияси	130-131
<b>XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ</b>	<b>132-133</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	132-133

### Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	Июн
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3).....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

**Асосий иқтисодий күрсаткичлар**  
**2019 йил январь-июн**


	млрд. сүм	2018 йил январь- июнганисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	10101,3	103,5
Саноат маҳсулоти	1801,7	103,0
Истеъмол товарлари	702,2	107,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8010,4	100,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3144,6	94,7
Қурилиш ишлари	1934,5	124,1
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	405,4	115,2
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	2860,0	102,9
Чакана товар айланмаси	4074,2	105,8
Хизматлар, жами	1482,4	111,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	107,2	87,4
Экспорт	40,3	145,2
Импорт	66,9	70,6
Сальдо (+;-)	-26,6	x

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 10101,3 млрд. сўмни ташкилэтди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандага 3,5 % га ўсди. ЯҲМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-июниганинг суръати 117,2 фоизни ташкил этди.

*Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.*

Январь-июнда ЯҲМ нинг физик ҳажми ва дефлятори индекслари динамикаси қуидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



**ЯҲМ индекс-дефлятори** – ҳудуд иқтисодиётида нархларнинг ўртача ўзгаршини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (амалдаги нархлардаги жорий давр ЯҲМ) реал ЯҲМ га нисбатининг тавсифи.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3911,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,2 фоизни ташкил этди.


**Январь-июн ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		<i>2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2018 йил январь-июн</i>	<i>2019 йил январь-июн</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>8334,4</b>	<b>10101,3</b>	<b>103,5</b>

*ишу жумладан:*

<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>8116,9</b>	<b>9666,4</b>	<b>103,3</b>
Маҳсулотларга соғ соликлар	217,5	434,9	108,5
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>8116,9</b>	<b>9666,4</b>	<b>103,3</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги	4 491,3	4 972,2	100,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 134,1	1 520,6	114,6
саноат	510,8	653,8	103,0
курилиш	623,3	866,8	124,1
<b>Хизматлар</b>	<b>2 491,5</b>	<b>3 173,6</b>	<b>104,0</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	732,2	849,8	103,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	396,3	433,7	105,4
бошқа хизматлари	1 362,9	1 890,1	104,0

## Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



Жорий йилнинг январь-июньйоларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (124,1%) тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 78,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-июнга нисбатан 3,3 фоизгакамайган.

2019 йилнинг январь-июнидаялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 32,8 фоиз (2018 йил январь-июнда 30,7 фоиз)ни ташкил қилди.

## II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2019 йилнинг январь-июнъ ойларида вилоят корхоналари томонидан 1 трлн. 801,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 103,0 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - 4,1 % га ўсиши ҳисобланади. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизациякилиш (98,2 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (95,8 %) ва тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш (95,6 %) пасайди.

### Январь-июнъ ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



### Тоғ-кон саноати ва очикконларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йилнинг январь-июнъ ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 104,9 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,8 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чақиқ тош қарийб 1,7 марта, тош кўмир 20,3 % га, табиий қумлар 1,1 % га ошиди. Шу билан бирга хом нефт (95,3 %) пасайган.

**Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари  
томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини  
ишлаб чықариш**

<b>2018йил январь-июнида ишлабчиқарылган</b>	<b>Тоғ-кон саноатива очиқконларни шашмаҳсулотлари</b>	<b>2019йил январь-июнида ишлабчиқарылган</b>	<b>Үсиш суръати, %</b>
--	---	--	--------------------------------

**Күмир, минг т.**

85,7



103,1

120,3



**Нефт, минг т.**

42,5



40,5

95,3



**Ош тузи, минг т.**

2,8



5,3

1,9m



**Қум, минг т.**

18,6



18,8

101,1



**Чақық тош, минг т.**

19,3




32,5


1,7m




### **Нефт қазиб олиш, минг т.**



### **Күмір қазиб олиш, минг т.**



### **Чақық тош қазиб олиш, минг т.**




## ***Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлиши саноати)***

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1 трлн. 556,8 млрд.сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 86,4 % ини ташкил этди.


Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг улуши 0,2 % ни (2018-йил январь-июнь ойларида - 0,2 %), ўрта-юқори технологияли - 0,3 % ни (0,2 %), ўрта-қуи технологияли - 25,3 % ни (22,9 %) ва қуий технологияли - 60,6 % ни (62,8 %) ташкил этди.

### ***Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да***

**2018 йил январь-июнь**



**2019 йил январь-июнь**



- Boshqa faoliyat turlari
- Ishlab chiqaradigan sanoat (qayta ishlash sanoati)
- Yuqori texnologiyali
- O'rta-yuqori texnologiyali
- O'rta-kuysi texnologiyali
- Quyi texnologiyali

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши - 7,0 % (2018йилнинг январь-июнъ ойларида 6,1 %), ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари ва мебель ишлаб чиқаришнинг улуши - 3,1 % (3,2 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 29,7 % (30,6 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш - 0,4 % (0,4 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 36,9 % (36,2 %)ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиширганда қурилиш учун қоришималар ва аралашмалар- 3,8 марта, қўйиш учун тайёр бетон - 1,5 марта, ош тузи - 1,8 марта, ун - 7,1 % га, суюқ нефт - 16,4 % га, дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чиқит ва бошқа чиқиндилар - 6,1 % га ошди.

### **Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура қўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

2018йил январь-июнида ишлаб чиқарилган	Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари	2019йил январь-июнида ишлаб чиқарилган	Ўсиш суръати, %
<b>Paxta tolasi, ming t.</b>			
37,3		7,1	19,0 
<b>O'simlikyog'i (tozalangan), ming t.</b>			
0,0		80,9	- 
<b>Un, mingtn</b>			
52,8		56,6	107,1 
<b>Aroq, ming l.</b>			
990,4		654,6	66,1 
<b>Dizelyoqilg'isi, ming t.</b>			
6,3		5,5	87,4 

## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 106,8 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,0 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнъ ойларида саноатнинг мазкур тармоғида газсимон ёнилгини ишлаб чиқариш ва таксимлаш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан - 2,4 мартаға ошгани ҳолда, бошқа буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) ҳажми (75,2 %) ўтган йилга нисбатан пасайғанлиги кузатилди.

### **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



### Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиши

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми - 33,1 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,8 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хавфсиз чиқиндиларга бутунлай ўқотиш учун ишлов бериш бўйича хизматлар - 48,9 % га, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича таксимлаш хизматлари - 22,3 % га, бошқа ахлатхоналарда хавфсиз чиқиндиларни ўқотиш бўйича хизматлар - 32,8 % га, оқава сувларни ўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар - 4,8 % га ошганлиги, таркибида қора металлар бўлган иккиласмачи хом ашё (икиласмачи хом ашё материаллари) (87,9 %) камайғанлиги кузатилди.

**Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиши  
ва утилизация қилиш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

<b>2018йил январь-июнида ишлабчиқарилган</b>	<b>Ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари</b>	<b>2019йил январь-июнида ишлабчиқарилган</b>	<b>Ўсиш суръати, %</b>
--	--	--	----------------------------

**Таркибида қора металлар бўлган иккиласмичомашё, минг тонна**

8,2



7,2

87,9



**Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиши ва ишлов берииш бўйича  
хизматлар, млрд. сўм**

1,9



2,0


104,8



**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-куватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 702,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-июн ойларига нисбатан - 7,0 % га ўсишни таъминлади, жами саноатдаги улуши эса - 39,9 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш улуши ва ўсиш суръатлари  
(2019 йил январь-июн ойларида)**



2018йилнинг январь-июн ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушкининг - 50,4 % дан 2019 йилнинг январь-июн ойларида - 51,2 % га ошиди, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушкининг - 49,6 % дан - 48,8 % га пасайғанлиги кузатилди.

## **Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши**

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 378,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.


Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 21,0 % ни ташкил этди.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да**

**2018 йил январь-июнь**



**2018 йил январь-июнь**




- Хорижий инвестиция иштирокидаги корхонлар
- Вилоятнинг бошқа корхоналари

### **Худудларнинг саноати ишлаб чиқариши**


Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Термиз шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 21,3 %), Жарқўрғон (22,4 %), Денов (12,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг  
ўсиши 2018йил январь-июнь ойларига нисбатан, %**



Шунингдек, истеъмол товарлари ҳажмининг энг катта қисми Денов (истеъмол товарлари ҳажмида - 22,4 %), Шўрчи (13,3 %) туманлари ва Термиз шахри (14,9 %)да ишлаб чиқарилди.

**2019йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича  
истеъмол молларининг ўсиши, %  
(2018 йил январь-июнь ойларига нисбатан)**




## Саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг хиссаси

Хисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 891,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши - 49,5 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олтинсой, Бойсун (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши - 100,0 %), Узун (97,7 %) ва Термиз (87,2 %) туманларида кузатилди.


### **2019йилнинг январь-июнь ойларида худудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %**



### **Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**

Бугунги кунда вилоятда 2479 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 540 таси (мавжуд корхоналар умумий сонининг 21,8 %) Термиз шаҳрига, 271 таси (10,9 %) Денов туманига тўғри келмоқда

**Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик**  
(2019 йил 1 июль ҳолатига)




2019 йил январь-июнь ойларида вилоятда 669 та янги саноат корхоналари ташкил этилди. Уларнинг 19,6 фоизи Термиз шаҳри, 13,3 фоизи Денов туманига тўғри келади.


### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 8010,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 100,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 7903,9 млрд. сўмни, овчиликда 0,06 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 23,3 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 69,0 млрд. сўмни (103,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 14,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида**




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
*(фоиз ҳисобида)*




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) умумий ҳажмининг 82,2 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 16,2 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимидаги тақсимланиши**

*(вилоят ҳажсимига нисбатан фоиз ҳисобида)*




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши  
(фоиз ҳисобида)**



**Дехқончилик.** 2019 йилнинг январь-июнида дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4427,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 98,8 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуси 56,0 фоизни ташкил этди.

**Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши  
(фоиз ҳисобида)**



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 74,2 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 24,1 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган  
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари**

	Барча турдаги хўжаликлар	шу жумладан							
		фермер хўжаликлари		декон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
		минг тонна	ўсии суръат и, %да	минг тонна	ўсии суръат и, %да	минг тонна	ўсии суръат и, %да	минг тонна	ўсии суръат и, %да
Дон экинлари		528,2	116,0	425,9	123,7	79,7	86,3	22,6	121,9
Картошка		191,1	92,7	2,9	81,7	187,7	92,9	0,5	103,2
Сабзавотлар		525,7	97,6	11,9	63,5	509,0	98,7	4,8	115,2
Полиз		55,6	108,0	3,3	177,0	51,8	105,6	0,5	84,3
Мева ва резаворлар		74,9	97,7	14,1	81,4	59,4	101,2	1,4	2,1 м
Узум		10,9	104,4	2,0	117,8	8,7	100,0	0,2	4,4 м

**Ҳосил йигими.** 2019 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 528230 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (116,0 фоиз), 191112 тонна картошка (92,7 фоиз), 525719 тонна сабзавот (97,6 фоиз), 55643 тонна полиз (108,0 фоиз), 74881 тонна мева (97,7 фоиз) ва 10876 тонна узум (104,4 фоиз) етиштирилди.




Барча худудларда дәхқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дәхқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, дон экинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,7 фоизни, картошка 99,7 фоизни, сабзавот ва полиз 99,1 фоизни, мевалар ва узум ишлаб чиқаришда 98,1 фоизни ташкил этди.

### **Асосий турдаги дәхқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши**




**2019 йил 1 апрель ойларида худудлар кесимида асосий турдаги деңгөнчилик махсулотларини ишлаб чыкаш (минг тонна)**




■ Дон екинлари ■ Картошка ■ Сабзавотлар





**Чорвачилик.** 2019 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3476,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 102,6 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 44,0 фоизни ташкил этди.


2019 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 84,8 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-июнга нисбатан 2,5 фоизга кўп), 395,2 минг тонна сут (1,8 фоизга кўп), 268,6 млн. дона тухум (28,3 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.



**2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**


	Барча турдаги хўжаликлар	шу жумладан							
		фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
		минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Гўшт, тирик вазнда	84,8	102,5	4,9	147,4	79,4	100,9	0,5	68,4	
Соғиб олинган сут	395,2	101,8	9,5	148,7	384,1	101,0	1,6	109,7	
Тухум, млн.дона	268,6	128,3	83,9	4 м	124,5	96,0	60,2	102,8	
Жун, тонна	1364	106,1	208	137,7	1120	102,3	36	92,3	
Қоракўл тери, дона	9512	90,1	813	33,4	4516	102,8	4183	112,2	

**2019 йил январь-июнь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби  
(ишлаб чиқарии умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)**



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гүшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуси 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 77,6 фоизни ташкил этди.

### **2019 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**



2019 йил 1 июль ҳолатига 2018 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,7 фоизга (жами 892,1 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 103,0 фоизга (326,1 минг бош), қўй ва эчкилар 102,1 фоизга (2307,2 минг бош), паррандалар 119,1 фоизга (4870,2 минг бош) кўпайди.



**2019 йилнинг 1 июль ҳолатига ҳўжалик тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Барча турдаги хўжаликларда	шу жумладан							
	фермер хўжаликларида		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида		кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда			
	минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да	минг бош	ўсии суръати, %да
Қорамоллар	892,1	100,7	34,8	90,9	846,8	101,2	10,5	104,0
шу жумладан, сигирлар	326,1	103,0	12,4	89,2	311,2	103,5	2,5	119,0
Кўй ва эчкилар	2307,2	102,1	362,7	103,2	1878,5	101,3	66,0	119,1
Паррандала р	4870,2	119,1	1324,2	190,0	2449,0	100,7	1097,0	114,1



Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равища 95,4 ва 3,8 фоизни, қўй ва эчкилар 81,4 ва 15,7 фоизни, отлар 77,4 ва 20,0 фоизни, паррандалар 50,3 ва 27,2 фоизни ташкил этди.

**2019 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва  
моллари ва паррандалар бош сони (минг боши)**



## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йилнинг январь-июн ойларида Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари хисобидан 3144,6 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 0,370 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 94,7 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари  
(2019 йил январь-июнь)**



2019 йилнинг январь-июнида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 64,7 % и вилоятнинг олтига ҳудудида, жумладан, Термиз шаҳрида -18,7 %, Бойсун туманида - 11,7 %, Сариосиё туманида - 10,7 %, Қизириқ туманида- 8,2 %, Термиз туманида - 7,8 % ва Денов туманида - 7,7 % ўзлаштирилди.

Қатор худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Бойсун туманида ўтган йилга нисбатан 192,8 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 367,1 млрд. сўм), Шўрчи туманида – 147,5 % (90,0 млрд. сўм), Сариосиё туманида – 135,2 % (335,0 млрд. сўм), Олтинсой туманида – 125,2 % (95,2 млрд. сўм), Музрабод туманида – 120,5 % (129,2 млрд. сўм), Қизириқ туманида – 116,9 % (257,8 млрд. сўм), Денов туманида – 109,3 % (242,4 млрд. сўм), Жаркўргон туманида – 108,8 % (238,2 млрд. сўм), Ангор туманида – 108,7 % (119,5 млрд. сўм) ва Термиз шаҳрига – 112,5 % (589,0 млрд. сўм).

### **Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар (2019 йил январь-июнь)**



2019 йилнинг январь-июнида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Термиз шаҳрида – 4048,1 минг сўм (ёки 2018 йилга нисбатан 111,3%), мос равишда Сариосиё туманида – 1652,7 минг сўм (136,9 %), Бойсун туманида – 3105,8 минг сўм (ёки 188,4 %), Шеробод туманида – 1128,6 минг сўм (ёки 22,5%), Термиз туманида – 2277,7 минг сўм (103,1 %), Қизириқ туманида – 1513,8 минг сўм (113,6 %) ва Музрабод туманида – 929,5 минг сўм (117,9 %) қайд этилди.

**2019 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестицияларнинг  
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**


	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Асосий капиталга инвестициялар</b>	<b>3144,6</b>	<b>94,7</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар</b>	<b>627,7</b>	<b>106,6</b>	<b>19,9</b>
бюджет маблағлари	337,5	632,1	10,7
Давлат мақсадли жамғармалари	62,0	199,8	2,0
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	228,2	116,4	7,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2516,9</b>	<b>97,9</b>	<b>80,1</b>
корхона маблағлари	523,7	80,1	16,6
аҳоли маблағлари	589,9	109,0	18,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	848,0	435,8	27,0
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	555,3	47,1	17,7

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий  
капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да**



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилга нисбатан 106,6 % ёки 627,7 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмининг 19,9 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 30,2 % пунктга кам) асосий капиталга инвестиациялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2516,9 млрд. сўм ёки 97,9 %.


### Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2018 йилнинг мос даври билан солиширганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 1,3% пунктга ўсди.

Республика бюджети ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 337,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган  
молиялаштириш манбалари**



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 16,6 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (17,7 %) хисобига тўғри келди

**Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблаглари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:**

*Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арzon кўп қаватли турар жойлар қурилиши.*

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш  
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвести- циялар, млрд.сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадоти жамгармалари	Корхона ва аҳоли маълази	Тиккорат банк кредитлари ва бошқа қарз маълазлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланни ва тараққиёт жамғармаси	Болалар спортини рикоэслантимиши жамғармаси
<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>3144,6</b>	<b>10,7</b>	<b>2,0</b>	<b>35,4</b>	<b>17,7</b>	<b>34,2</b>	-	-
Термиз ш.	589,0	14,3	3,1	37,3	19,7	25,6	-	-
<i>туманлар:</i>								
Олтинсой	95,1	15,9	2,2	37,3	13,4	31,2	-	-
Ангор	119,5	9,6	1,2	25,5	45,2	18,5	-	-
Бойсун	367,1	7,5	2,1	17,3	5,8	67,3	-	-
Денов	242,4	15,6	1,4	41,4	19,3	22,3	-	-
Жарқўргон	238,2	5,2	0,4	31,1	23,0	40,3	-	-
Қизириқ	257,8	6,7	2,1	52,8	24,0	14,4	-	-
Кумкўргон	119,2	20,1	5,1	43,7	23,1	8,0	-	-
Музработ	129,2	5,9	1,8	29,3	12,3	50,7	-	-
Сариосиё	335,0	4,0	1,1	25,9	10,5	58,5	-	-
Термиз	244,4	21,3	1,4	49,9	10,3	17,1	-	-
Узун	103,6	8,6	2,3	36,0	11,2	41,9	-	-
Шеробод	214,1	6,4	1,2	41,7	24,1	26,6	-	-
Шўрчи	90,0	13,5	2,5	31,5	23,3	29,2	-	-

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича  
технологик таркиби  
(2019 йил январь-июн)**

	<b>Жами</b>	<b>Давлат</b>	<b>Нодавлат</b>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3144,6</b>	<b>724,3</b>	<b>2420,3</b>
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Курилиш – монтаж ишлари	45,9	68,4	39,2
Машина, ускуна, инвентар	38,8	5,4	48,7
Бошқа харажатлар	15,3	26,2	12,1

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 45,9 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 38,8 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 15,3 % ни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган  
асосий капиталга инвестициялар (2019 йил январь-июн)**

	<b>Млрд.сўм</b>	<b>Жамига нисбатан % да</b>	
		<b>Январь-июн 2018й.</b>	<b>Январь-июн 2019й.</b>
<b>Асосий капиталга инвестициялар-жами</b>	<b>3144,6</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	849,3	3,1	27,0
Тоф - кон саноати	347,8	38,6	11,1
Ишлаб чиқариш саноати	433,7	6,7	13,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	26,3	1,2	0,8
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	65,3	0,9	2,1
курилиш	164,1	3,7	5,2
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	92,6	5,3	2,9

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-июн 2018й.	Январь-июн 2019й.
Ташиш ва сақлаш	219,1	10,2	7,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар	37,8	0,4	1,2
Ахборот ва алоқа	31,2	0,7	1,0
Молия ва суғурта фаолияти	10,0	0,3	0,3
Профессионал, илмий ва техник фаолият	21,2	0,2	0,7
Таълим	145,0	3,5	4,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	74,5	3,2	2,4
Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	11,8	0,1	0,4
Жами фаолият турларидан ташқари: туар жой қурилишига инвестициялар	563,5	20,3	17,9
Бошқа фаолият турлари	51,4	1,7	1,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 347,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 11,1 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 171,0 млрд. сўм, ишлаб чиқариш саноатида 433,7 млрд. сўм (13,8 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 92,1 млрд.сўм (2,9 %), текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш 111,9 млрд.сумм (3,6 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 190,0 млрд. сўм (6,0 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 26,3 млрд. сўм, (0,8 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 65,3 млрд. сўм, (2,1 %), қурилиш фаолияти турида 164,1 млрд. сўм(5,2 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 92,9 млрд. сўм (2,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 219,1 млрд. сўм (7,0%), ахборот ва алоқа фаолият турида 31,2 млрд. сўм(1,0 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 21,2 млрд. сўм (0,7 %), таълим соҳасида 145,0 млрд.сўм (4,6 % ), жами фаолият турларидан ташқари туар жой қурилишида 563,5 млрд. сўм (17,9 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**2019 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий  
капиталга инвестициялар таркиби**



**Асосий капиталга инвестицияларнинг такорор ишлаб чиқариш таркиби**



Сурхондарё вилояти асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиши, техник ва технологик қайта қуроллантириши, ҳамда кенгайтиришига инвестициялар улуши – 37,9 % ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнида 1076,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 0,127 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 275,5 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 34,2 % ни ташкил этди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Сариосиё туманида (18,2 %), Бойсун туманида (23,0 %), Термиз шахрида 14,0 % кузатилди.

### **Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда**

	<i><b>Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд.сўм</b></i>		<i><b>Хорижий инвестициялар, нисбатан % да</b></i>	
	<i><b>жами</b></i>	<i><b>шу жумладан, кредитлар</b></i>	<i><b>жамига</b></i>	<i><b>асосий капиталга инвестициялар</b></i>
<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>1076,2</b>	<b>228,2</b>	<b>100,0</b>	<b>17,7</b>
Термиз ш.	150,7	55,4	14,0	19,7
<i><b>туманлар:</b></i>				
Олтинсой	29,7	-	2,8	13,4
Ангор	22,2	-	2,1	45,2
Бойсун	247,0	20,8	23,0	5,8
Денов	54,1	-	5,0	19,3
Жарқўргон	96,0	-	8,9	23,0
Қизириқ	37,0	-	3,4	24,0
Қумқўргон	9,6	-	0,9	23,1
Музработ	65,5	-	6,1	12,3
Сариосиё	196,1	151,4	18,2	10,5
Термиз	41,7	0,6	3,9	10,3
Узун	43,4	-	4,0	11,2
Шеробод	56,9	-	5,3	24,1
Шўрчи	26,3	-	2,4	23,3

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-июнида 848,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 435,8 % ни ташкил килди.

## Айрим иқтисодий фаолият турлари бүйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Жорий даврда хам асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитларнинг катта қисми қайта ишлаш саноати фаолияти ўзлаштирилиб, 356,4 млрд. сүмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитлар хажмида 33,1 %ни ташкил этди.

Хажм жиҳатдан кейинги ўринда тоғ-кон саноати эгаллаган. Ушбу фаолият тури бүйича 307,3 млрд.сүм ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 28,6 %и ўзлаштирилди.

Ахборот ва алоқа фаолияти бүйича 26,1 млрд.сүм хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган.

## **Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши**

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 563,5 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 17,9 % ни ташкил этди.

### **Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш**

	<i>Барча молиялаштириши манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2018 йил мос даврига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, минг кв.м.	540,3	390,6	114,4	114,5
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	533,6	390,6	113,1	114,7
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	6,7	-	-	-
Касалхоналар, ётoқ	-	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни кўшган ҳолда), қатнов	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	1806	970	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаш- тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик	3	1	-	-
Сув тармоғи, км	7,5	7,5	159,6	159,6
Газ тармоғи, км	-	-	-	-

2019 йилнинг январь-июнида умумий майдони 540,3 минг кв.м (2018 йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 %) бўлган 3920 та туар жойлар, жумладан 390,6 минг кв.м. (114,5 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Коммунал соҳа обьектлари қурилишида 7,5 км сув тармоғи (7,5 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, улар 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 159,6 % ни ташкил этди.

### **2019 йилнинг январь-июнида ишга туширилган туар жойлар**

